RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 17 MAY ◆ PAYSHANBA ◆ № 56 (26.758)

ХОРИЖ САРМОЯЛАРИ ЮРТИМИЗ БОЗОРИДА

«Ўзэкспомарказ»да «Нефть ва газ — 2001» бешинчи халқаро кўргазмаси иш бошлади. Мазкур кўргазма «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Британиянинг ITE фирмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Нефть ва газ бозорининг жаҳондаги етакчиларидан ҳисобланган Шелл, Дрессер, Рэнд, Ханивелл, СЕБА каби 25 давлатдан ташриф буюрган 110 дан зиёд компаниялар ўзларининг янги технология ва хизматларини тақдим этди.

Бош вазир ўринбосари, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раиси В. Отаев Ўзбекистон катта нефть ва газ заҳираларига эга эканлигини уқтириб, қайта ишлаш, қазиб олиш ва етказиш ишларида кўпчилик хорижий компанияларнинг иштирок этиш ниятлари борлигини таъкидлади. Кўргазмага бағишланган матбуот анжуманида таъкидланишича, углеводород хомашёсини қазиб олиш кўпайган бўлса, янги нефть, газ конларини очиш ва геология қидирув ишлари кенгайтирилди. Ўтган давр мобайнида суюқ углеводородларни қазиб олиш ҳажми 3 баравар кўпайиб, ўтган йили 8 млн. тоннадан ошиб кетди. Газ қазиб олиш эса, ўтган йилда 55,6 миллиард кубометрни ташкил этди. Шўртангазкимё мажмуи қурилиши якунланаётгани, Газли — Нукус, Пахтакор — Янгиер — Тошкент, Муборак — Ғаллаорол — Янгиер йўналишлари бўйича газ қувурлари ўтказилаётгани таъкидланди.

Кўргазмада «Ўзбекнефтгаз» компанияси Давлат мулк қўмитаси билан ҳамкорликда ушбу тармоқ акциядорлик жамиятларини хусусийлаштиришнинг юридик ва молиявий жиҳатлари, шунингдек, янги инвестиция лойиҳалари билан таништириш кўзда тутилган. «Нефть ва газ — 2001» кўргазмаси билан бир пайтда «Қурилиш ва жиҳозлар, иситиш ва салқинлатиш» мавзуида халқаро экспозиция ҳам ўз ишини бошлади. Унда Австрия, Германия, Россия ва бошқа мамлакатлардан 18 та фирма ва компаниялар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

■ **Абдуғани СОДИҚОВ**

ИЛМ ВА ҲУНАР КОШОНАЛАРИ

Иккинчи навбати фойдаланишга топширилган Қамаши иқтисодиёт педагогика коллежи биноси бир қаращдаёқ кошонага ўхшайди. 900 нафар ўқувчи ўқийдиган илм ва ҳунар масканини қуриш учун 1 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Уни 19-вилоят қурилиш очиқ ҳиссадорлик жамиятининг ўнлаб ташкилотлари ҳамкорликда бунёд этишди. Бу ташкилот айни кунларда тумандаги 750 ўринли қурилиш коллежи биносини барпо этаётир.

— Тўрт ихтисослик ўргатиладиган ўқув масканимизда ҳамма шароитлар муҳайё, — дейди коллеж директори Нормўмин Абиров. —Ҳозир 437 нафар ўқувчи таълим олаяпти. Четдан келганлар учун 200 ўринли ётоқхона қурилган. Спорт зали, кутубхона, фан кабинетлари, компьютерлар, қўйингки, барча ўқув қуроллари мавжуд. Ўқитувчиларимиздан Б. Қаюмов, Ш. Муҳаммадиевлар Жанубий Кореяга бориб малака ошириб келишди.

— Яқинда ҳар бирида 900 нафар ўқувчи таълим оладиган Қарши шаҳридаги ва Касби туманидаги қишлоқ хўжалиги, Муборакдаги саноат коллежлари фойдаланишга топширилди, — дейди вилоят касб-ҳунар ўқув юртлари бошқармаси раҳбари Рўйиддин Раҳимов.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАР

Тошкентдаги Эстрада-цирк коллежида Яккасарой ХДП туман кенгашининг йиғилиши бўлди.

Кечани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юнус Тўраев очди. Талаба ва ўқитувчилар иштирокидаги тадбирда 30 нафар ёшлар, жумладан, директор ўринбосари Рустам Эргашев партия сафига қабул қилинди. Яккасарой туман кенгашининг биринчи котиби Толиб Сайфуллаев партия билетларини эгаларига топширар экан, шундай деди:

— Бу ер истеъдодли, қобилиятли йигит-қизлар таҳсил оладиган катта даргоҳдир. Бизнинг ёшлардан, сизлардан умидимиз катта. Бу ишончни оқлайсиз, деб ўйлайман.

■ **ШАҲРИБОНУ**

ДЎППИ ТИКДИМ ...

■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат

ДИҚҚАТ: ТАЖРИБА

ПИЛЛА... ПЛЁНКА ОСТИДА

Наманган вилояти пиллакорлари бу йил ипак қуртини плёнка остида парваришлашни тажрибадан ўтказдилар.

Чортоқ туманидаги А. Навоий номли ширкат хўжалиги пиллакори Гулчеҳра Обидова 20 гр. ипак қуртидан 115,3 кг. кумуш тола етиштирди. И. Иномова 104, М.Нуримова эса энг кўп — 190 кг. хомашё топширди. Ипак қуртини плёнка остида парваришлаш туфайли тут барги озуқаси тенг ярмига кам ишлатилди. Қурт меъёрдаги намликда катта бўлди. Бу ҳарорат кўтарилган кунларда муҳим аҳамият касб этди.

Пилла сифати юқори. Натижада хўжалик бўйича ҳам кўрсаткичлар қувонарли. 700 қути ипак қуртидан ҳозиргача шартномага кўра, 26 тоннадан ортиқ маҳсулот топширилди. Пилла терими давом этяпти. Хўжалик раиси Т. Жумабоевнинг таъкидлашича, яна 14 тонна маҳсулот топшириш имкони бор. Бу режага нисбатан 1,5 баравардан ҳам ортиқ дегани.

Шундай қилиб тажриба дастлабки синовдан муваффақиятли ўтди.

■ ***Маҳмуджон ПАРПИЕВ,***
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Газета саҳифаланаётганда хушхабар келди. Наманган тумани меҳнаткашлари 270 тонна, попликлар эса 150 тонна пилла топшириб, шартнома режаларини муваффақиятли уддалашибди.

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

ИСТИҚЛОЛНИНГ НЕЪМАТИ ТОТЛИ

Умархон ДАДАБОЕВ,
«Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамияти раиси

Бизнинг «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамиятимизда ўз касбининг устаси, корхонамизнинг чинакам фидойилари кўп. Ана шундай кадрлар ғайрат-шижоати туфайли улуғвор вазифалар шараф билан уддаланмоқда.

Юртимизда бизнинг маҳсулотимиздан фойдаланилмаган иншоотлар камдан-кам. Тошкент телеминорасию метрополитени, турли объектлару уй-жойлар бизнинг маҳсулотларимиздан қад ростлаган. Ҳатто, яқин хориж мамлакатларидаги биноларнинг қад кўтаришида ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

Айни пайтда корхона ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. XX асрнинг сўнгги йилида 4 миллиард 486 миллион 541 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борадаги режа 185,6 фоизга бажарилди. Бундан ташқари, клинкер куйдириш, цемент майдалаш, асбест қувурлар тайёрлаш, шифер ишлаб чиқариш режалари ҳам ортиғи билан уддаланди. Корхонамизнинг экспорт салоҳияти кўтарилди. Ўтган йили режадаги 688 минг ўрнига 1 миллион 496 минг 96 АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижий мамлакатларга сотилди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, цехларни янги-янги қувватлар билан бойитиш борасида ҳам бирмунча ютуқларга эришилди. Натижада маҳсулотнинг сифати янада кўтарилди. Биз ишлаб чиқараётган сульфатга чидамли 400, 500 маркали цементлар мамлакатимиз халқ хўжалигига катта фойда келтириши шубҳасиз. Бинобарин, бундай маҳсулотлар юртимизнинг нефть-газ саноати тармоғида бебаҳодир. Яқин-яқинларгача бундай юқори маркадаги цементлар Ўзбекистонимизга яқин хориж давлатларидан, хусусан, Россия Федерациясидан катта валюта эвазига олиб келинарди. Энди эса мамлакатимизнинг валюта заҳираларини сақлабгина қолмай, балки уларни кўпайтиришга ҳам эришяпмиз.

Шу ўринда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ҳамда бутловчи қисмларни ўзимизда мавжуд хомашёдан ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича муҳим дастурларни амалга оширяпмиз.

Чунончи, цемент ишлаб чиқаришнинг асосий хомашёси ҳисобланмиш турли минерал жинслар ҳозирги пайтда Жиззах ва Самарқанд вилояти тоғларида серобки, унинг заҳиралари бизга кўп йилларга етади. Агар шундай имкониятдан фойдалансак, маҳсулот таннархи янада арзонлашади.

Дарвоқе, яқинда бизнинг корхонамизга «Экосан» халқаро жамғармасининг махсус соврини топширилди. Бундан кўпчилик ажабланиши турган гап: ҳамиша чанг-қурум босиб ётадиган корхона бундай мукофотга қандай сазовор бўлди экан, деб. Лекин ҳақиқатан шундай бўлди. Қисқа фурсат ичида корхона ҳудудини ободонлаштиришга эришдик. Уч гектарлик ташландиқ ер бор эди. Уни чиқиндилардан тозалаб, экин майдонига айлантирдик. Ҳашар усулида юзлаб мевали дарахт кўчатлари экилди. Кузда экилган буғдой ниҳоллари эса барқ уриб ривожланмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир цех жамоаси ўзига тегишли майдонни ободонлаштиришга эришаётир.

Хуллас, корхона меҳнат аҳли истиқлол берган неъматлардан фахрланмоқда. Шу боис ўз корхонасини, шу билан бирга юртни янада обод қилишга ҳисса қўшишмоқда.

ЯПОНИЯ ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИНИНГ МИНТАҚАМИЗДАГИ АСОСИЙ ШЕРИГИ, ДЕБ ҲИСОБЛАМОҚДА

Ўтаётган ҳафта Ўзбекистон — Япония муносабатлари ривожида муҳим ўрин тутувчи давр бўлди. «Кейдзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси делегациясининг ташрифи ва бу ташриф асосидаги мулоқотлар ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволини яна бир бор таҳлил этиш, унга янги йўналишлар қўшиш ва истиқболдаги режаларни белгилаш имконини берди.

Фурсатдан фойдаланиб, икки томонлама ҳамкорликнинг таҳлили ва мониторингига кенгроқ тўхталсак. Япония 1991 йилдаёқ Ўзбекистон мустақиллигини тан олди ва кейинги йили ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Президент Ислом Каримовнинг 1994 йили Японияга буюрган расмий ташрифи эса муносабатлар ривожида ғоят муҳим аҳамият касб этди. Бу ташриф асосида давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ҳужжатлар имзоланди.

Ўша вақтдан буён ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон алоқаларни янада кучайтиришга эътибор қаратяпти. Зеро, иқтисоди ривожланган қудратли Япония халқаро ҳамжамиятнинг таъсир доираси анча кенг аъзоси, йирик минтақавий ва халқаро муаммолар ечимига катта ҳисса қўша оладиган давлат ҳисобланади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Осиё қитъаси ва умуман бутун дунёда кечаётган жараёнларда Япониянинг иштироки кучайишининг тарафдоридир.

Ўзбекистон Япония билан БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатимиз Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо сифатида қабул қилиниши ғоясини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, Ўзбекистон «Экспо — 2005» кўргазмаси Япониянинг Нагоя шаҳрида ўтказилишининг тарафдори бўлди.

Ўз навбатида, Япония ташқи сиёсат борасида Ўзбекистон илгари сураётган ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Кунчиқар мамлакати халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларда фаоллик билан Ўзбекистон тарафини тутмоқда.

Япония Ўзбекистонни минтақавий етакчи ва Марказий Осиёдаги асосий шерик ҳисоблайди. Мамлакатимизнинг изчил ривожланиш йўлига тушиб олгани минтақада барқарорлик ва осойишталик сақланишини таъминламоқда. Бу эса Япония сармояси учун кенг йўл очиб, унинг фойдалилиги ва хавфсизлигини кафолатлаб турибди.

XXI асрда Япония жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида марказий ўрин эгаллаши равшан. Шуни инобатга олсак, мантиқан қаралганда, Ўзбекистон унинг Марказий Осиёдаги манфаатларини ҳимоялаш ва рўёбга чиқаришда ўзига хос восита бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон билан Япония пухта ўйланган узоқ муддатга мўлжалланган муносабат қурмоқда. Шу боис расмий Токионинг Марказий Осиё барқарорлигига таҳдидларнинг олдини олиш масалаларига ёндашуви изчиллашиб бораётгани алоҳида аҳамият касб этади. Халқаро терроризм, диний экстремизм ва наркобизнесга қарши самарали курашиш учун нафақат мамлакат даражасида, балки халқаро миқёсда амалий чоралар ишлаб чиқиш, хавфсизлик бўйича икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш керак.

Энди яна Японияга йирик ишбилармон доиралар вакилларининг куни кеча ниҳояланган ташрифига қайтиб, у билан боғлиқ тадбирлар, кўзланган мақсадлару белгиланган вазифалар, музокараларнинг якунлари ҳақида фикр юритсак.

«Кейдзай Доюкай» уюшмаси Япония иқтисодини тиклаш мақсадида жипслашган ишбилармонлар томонидан 1946 йили ташкил этилган эди. Бугун у мамлакатдаги энг йирик тўртта иқтисодий ташкилотнинг биридир. У Японияни иқтисодий ва ижтимоий равнақи учун ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам хорижда турли ташаббуслар илгари сураётган етакчи фирма ва компаниялар раҳбарларини ўзига бирлаштирган.

Уюшма бошқа турдош ташкилотлардан шуниси билан фарқланадики, унинг аъзолари ўзи хизмат қилаётган компания вакили эмас, оддий ишбилармон ё маслаҳатчи сифатида фаолият юритади. Бошқача айтганда, аъзолик тўлалигича ақлий қобилият ва шахсий хизматларга асосланади. Айни кунда «Кейдзай Доюкай»нинг 900 компанияда ишлайдиган 1400 нафар шундай аъзоси бор.

Уюшма делегацияси шу кунгача уч марта Ўзбекистонга ташриф буюрди. Куни кеча ниҳоясига етган учинчи ташриф айниқса самарали бўлди. Уюшма президенти Коичи Минагучи раҳбарлик қилган делегация таркибига «Иточу корпорейшн» (универсал савдо компанияси, 2000 йили унинг айланма маблағи 114 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган), «Жанан ойл терминал Ко. Лтд.» (Япониядаги нефть ва нефть маҳсулотлари ташувчи энг йирик компаниялардан бири, 2000 йилда 8,25 миллион тонна маҳсулотни манзилга етказган), «Жапан атомик пауэр компани» (атом электр станциялари қуриш ва бошқаришга ихтисослашган, 1999 йилги даромади 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди), «Кредит Сэзон» (тахминан 10 миллион мижозга хизмат кўрсатувчи йирик савдо-молия компанияси), «Номура рисёрч институт» (тадқиқот институти, умумий сармояси 10,1 миллиард иенга тенг), «Сумитомо лайф рисёрч институт» (иқтисодиёт, молия ва суғурта бўйича консалтинг хизмати кўрсатиш соҳасида тадқиқот ўтказувчи институт) каби компанияларнинг раҳбарлари кирган эди.

«Кейдзай Доюкай» хусусий бизнесни ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш, хорижда самарали фаолият кўрсатиш бўйича Японияни ҳукумати, фирма ва компаниялари, ишбилармон доираларига тавсия, маслаҳат ва таклифлар беради. Уюшма президенти К.Минагучи Япониянинг янги Бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми билан учрашиб, уни ўзи раҳбарлик қилган мазкур делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари билан таништирмоқчи. Шунингдек, мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи батафсил таҳлил этилиши ҳамда Ўзбекистон — Япония алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича янги таклифлар ўртага ташланиши кутилмоқда.

Хабар қилинганидек, уюшма делегацияси Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика, Маданият ишлари вазирликларида, Марказий банкда учрашувлар ўтказди. Бундан кўзланган бош мақсад ҳукумат томонидан яқин келажакда амалга оширилиши белгиланган иқтисодиётни реструктуризация қилиш дастури билан танишув эди. Мулоқотларда К.Минагучи, Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва тузилмавий ўзгаришлар, уларнинг фаол сармоялаш сиёсати билан бақамтилиги Япониянинг Ўзбекистонни асосий шерик қилиб танлашига омил бўлганлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда 1996 йилдан буён иқтисодий ўсиш кузатилмоқда ва у минтақадаги бошқа давлатлардан олдинда бормоқда. К.Минагучининг таъкидлашича, Ўзбекистон ўзи кўраётган даромадни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳаларини кенгайтиришга йўналтириб, шундай оқилона сиёсат юритмоқдаки, натижада қўшни мамлакатлардан фарқли ўлароқ, жаҳон бозори конъюнктурасига боғлиқлик имкон қадар камаймоқда. Қўшни мамлакатларда бунинг аксини, яъни жаҳон бозоридаги юксак даражада беқарорлик хусусиятига эга бўлган нарх-наволарга боғлиқликни кўриш мумкин.

Шу билан бирга, уюшма делегацияси Ўзбекистон ҳукуматининг мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишга қаратилган ишончли молиявий тизим яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди. Кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиб бораётгани, бу соҳаларга халқаро молиявий муассасаларнинг кредитлари жалб этилаётгани ҳам юқори баҳога сазовор деб топилди. К.Минагучи айтганидек, «юритилаётган сиёсатнинг прагматиклиги ҳам шундан билинади, ҳар қандай замонавий давлат кичик ва ўрта бизнес билан ривожланади».

Учрашувларда Япония делегацияси аъзолари фуқароларимизнинг илмий салоҳияти юқорилиги, мамлакатимиз эса табиий ва инсоний заҳираларга бой эканлигини таъкидлади. Айни вақтда шу ҳам қўшиб қўйилдики, мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлиги, албатта, муҳим аҳамиятга эга, лекин маданий ва ижтимоий соҳадаги алоқаларни ҳам қўллаб-қувватлаш орқали муносабатларимиз кўламини янада кенгайтириш мумкин. Анъанавий қадриятларнинг муштараклиги, маънавий яқинлик ва аждодлар меросига алоҳида меҳр билан муносабатда бўлиш тамойиллари халқларимизни яқинлаштирибгина қолмай, қандай қилиб давлатларимиз шерик бўлганини англаш имконини ҳам беради. Ана шу асосда, Япония бизга мунтазам равишда беғараз ёрдам кўрсатиб келяпти. Хозир бу ёрдамнинг ҳажми 90,7 миллион АҚШ долларига етган. Ҳукуматнинг «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида эса телекоммуникация, транспорт инфратузилмаси ва таълим соҳаларидаги лойиҳалар ижроси учун 560 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли давлат кредити берилди.

Делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига Японияндан хушхабар келди. Ҳукумат беғараз ёрдам тариқасида мазкур олий ўқув юртига грант ажратиш тўғрисидаги лойиҳани тасдиқлабди. 4 миллион долларлик бу лойиҳа институтга замонавий ўқув қуроллари, компьютер техникаси ва технологик жиҳозлар беришни кўзда тутади.

Шунингдек, Япония халқаро ҳамкорлик банкидан ҳам экспорт кредитлари олинмоқда. Шу кунгача бу банк ёқилғи-энергетика ва тўқимачилик соҳалари учун Ўзбекистонга 720 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит берди.

Умуман олганда, Япония шу кунгача Ўзбекистонга 1,37 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ маблағ ажратган.

«Кейдзай Доюкай» делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи, Оқсаройда Президент Ислом Каримов билан ўтган самарали учрашув икки томонлама мулоқотни янада кучайтириши аён. Бундай дейишга асос етарли. Жумладан, делегация аъзоларининг сафардан қониқиш ҳосил қилганини таъкидлаш мумкин. Эндиликда Ўзбекистон — Япония муносабатлари давлат даражасидаги алоқалардан ташқари, мамлакатимиз кичик ва ўрта бизнес соҳасига тўғридан-тўғри сармоя жалб қилиш воситаси билан ҳам ривожланиши кутилмоқда. Бу қўшма корхоналар кўпайишига олиб келади. Ҳамкорлик ривожланади, деган башорат учун кераги дан ортиқ асос бор. Икки халқнинг тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиши, иқтисодий ривожланиш масалаларига тўғри, холис ва оқилона ёндашуви, дунёвий аҳамиятга молик кўплаб масалаларга муносабатнинг муштараклиги, қолаверса, мамлакатларимизнинг дўстона яқинлиги XXI асрда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш имконини беради.

■ **Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ (ЎзА)**

ДИЛ ИЗҲОРИ

ДАРЁДЕК УЙҒОҚ УМР

— Мухбир укалар, мени саксонга кирди, деб эмас, ўн ёшга тўлди, — дея ёзинглар. Боиси, мустақиллигимизнинг ўн йиллигида қутлуғ ёшимни жонажон Ватаним бағрида тинч-омон, осуда ва озод-эркин кутиб олаётганимдан қалбим юксак тоғ чўққисидек виқорли. Саксон қишу баҳорни кўрдим. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсин. Қутлуғ ёшимни янги асрнинг илк баҳорида қарши олаяпман, — дея суҳбатимизни қўр олдирди самарқандлик Саид ота Солиҳбоев. — Мени тақдир, олғали-долғали ҳаёт ўтган асрнинг суронли йилларида Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилоятидаги Қозили шаҳридан Ўзбекистоннинг Қатта-қўрғон шаҳрига олиб келди. Ўшанда ўн икки яшар ўспирин эдим. Сирдарё бўйларида қолган аччиқ, ҳам ширин болалигимни халиҳануз армон ва энтикиш билан эслайман.

Қозоғистондан келган болакайнинг тақдири не кечдикан, дея ўйлаётгандирсиз? Ўқидим, изландим. Олий маълумотли мутахассис бўлдим. Ўзим учун тўғри ва нурли йўлни танладим. Халқимга ва юртимга ҳалол, покиза хизмат қилдим. Жаҳон урушида душманга қарши курашдим. Оҳ! Уруш даҳшатлари, ҳеч қачон, ҳеч вақт такрорланмасин. Висла, Одер, Нейс ва Шпрей дарёлари бўйларида бир неча кунлар мижжа қоқмадим. У дарёлар ҳам худди Сирдарёнинг ўзи. Сирдарё ҳам сокин ва сўнмас. Бағрида кўҳна тарих ва не-не сир-синоатлар яширин. Ўқ ёмғирлари остида бир неча бор қолиб, ўлим билан юзма-юз келдим, худога шукр, эсон-омон қайтдим.

Кўп йиллар Пайариқ, Фориш, Нарпай, Пастдарғом ва Зомин туманларида раҳбарлик лавозимларида ишладим. Қаерда, қайси лавозимда ишламайин халқим ва юртим манфаатини ўйладим. Булоқ сувидек беғубор юғурик умримни аямадим. Қаерда, қайси лавозимда ишламайин, поклик, ҳалоллик, инсонийликни қидирдим ва ахтардим. Ва, топдим ҳам. Шунинг учун толеим ва бахтим сарбаланд. Эл-юртга ва халққа ҳалол хизмат қилган киши ҳеч қачон эл-улус назаридан қолмайди. Бу ақидани 1987-1993 йилларда вилоят нуронийлар ташкилотига етакчилик қилган йилларда ҳам юракдан туйганман. Президентимиз ва халқимиз ардоғида яшаётган кексаларимиз кўзидаги нур, қалбидаги севинч фақат ва фақат мустақиллик туфайли эканлигига имон келтирганман.

Муаззамхон аянгиз билан беш нафар фарзанд, 12 нафар набира-эваралар бағридамиз. Уларнинг кўпчилиги эл-юрт учун сидқидилдан хизмат қилишмоқда. Бундан-да ортиқ бахт-саодат борми кишига?!

Саксон баҳор қаршисида бардам ва тетик турган Саид Шокирбой ўғли Солиҳбоевнинг фикр-мулоҳазаларига қўшилмасликка ҳеч ҳам иложингиз йўқ.

■ **Норбобо ШАКАРОВ,**
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ЗАНГОР ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Фарғона сафарига отланаётганимизда ёмғир шаррос ёғаётганди. Ёмғир билан водийга кириб борарканмиз-да, деган ташвишда ҳамроҳимга тикилганимда, у кулиб: «Фарғона бизни чарақлаб турган қуёшию чеҳралари очиқ одамлари билан кутиб олади», — деди. Ёмғирли довондан тушганимизда эса... водий узра офтоб порлаб турарди. Беихтиёр атрофга тикиламиз, катта йўлнинг икки четидаги ям-яшил дарахтлар эпкиндан оҳиста эгилиб, бизга салом бераётган келинчакларга ўхшарди.

Сал юришимиз билан дарёнинг устида ястаниб ётган кўприкка етиб келдик. Бир зум дарёга тикиламиз. Ўйноқлаб, пишқириб оқади бу дарё — водийнинг қон томири. Ён-атрофлардан кўплаб кичик ирмоқлар турфа томонларга тарқаб кетган. Шундай ирмоқлари бор экан, водий яшнайверади, дейман. Ҳамроҳим жилмайди. Водийнинг бу гўзаллигидан руҳимиз осмон қадар юксалиб кетди.

Фарғона шаҳрига кириб борганимизда, жуда улкан, сон-саноқсиз чинорларни кўрган ҳамроҳим:

— Вой-буй, бунақанги сердарахт шаҳарни энди кўришим, — дея ҳайратланди.

Шаҳарни айланганимиздан сўнг, Водилга қараб юрдик. Фарғонада йўлга эътибор зўр экан. Қаранг, Қўқондан бошланган катта равон йўл шаҳарга қўшилиб, бошқа туманга қараб йўл юрсак ҳам худди аввалги кўринишда давом этарди. Бу ерда уйларнинг остонасидан то йўлга қадар мевали дарахтлар гуркираб турибди.

Бутун гўзаллик, яшнаб-яшариш сув билан деган мунозаралар устида меҳмонхонага келганимизда анча салқин тушиб қолганди. Сал нарида шарқираб сой оқарди. Атроф мевали боғ. Гуллардан нафис бўй таралади. Шундоқ дарахтлар орасидан булбулнинг ҳам овози эшитилиб турарди.

— Бу йил булбул уч кун олдин келди, — деди меҳмонхона боғбони Сирожиддин.

— Эртага бу тоғлардан ҳам наридаги баланд тоғлар борамиз, сел олгандан кейинги Шоҳимардонни кўрасизлар, — дейди мезбонлардан бири.

Ҳақиқатан ҳам бугунги Шоҳимардон бутунлай ўзгариб кетган. Марказнинг қоқ белидан ўтган сой қирғоқлари бетонланган. Зиёратга келганлар учун ўнлаб уйчалар барпо этилган. Ҳазрат Алининг қабрини зиёрат қилгани борганимизда бир нуроний ўтган кунлардан нолиб, мустақиллигимиздан қувониб, бизларга кўнглини бўшатди.

— Бир пайтлар шу мозор ҳам бузилиб, бу ерга «мангу олов» чиқариб қўйилган эди. Озодлигимиз, Президентимиз Ислом Каримов шарофати билан бу қабр ҳам мана кўриб турганингиздай ғиштлар билан кенг ўралиб, катта зиёратгоҳга айланди, — дея отахон Юртбошимизга узоқ умр, мамлакатимизнинг бундан ҳам гуллаб-яшнашини, халқимизнинг шод, фаровон умр кечиришини Оллоҳдан сўраб дуо қилди.

— Ўша сув олган машъум кундан кейинок бу ерга давлатимиз раҳбари етиб келиб, Шоҳимардонни олдинги қиёфасидан ҳам гўзалроқ тикланишига дуои фотиҳа берди, — дейди водиллик мезбонимиз Сирожиддин. — Ўша пайтдаги ҳоким ўринбосари, ҳозирда вилоят ҳокими Алишер Отабоев кечаю кундуз шу ерда туриб бугунги Шоҳимардонни тиклашга бошқош бўлди.

Ҳа, Зангор юрт — Фарғонанинг қай бир жойига борманг бугунги кунда зиёратгоҳга, сайилгоҳга, гўзал бир масканга айланаётганига гувоҳ бўласиз. Бунга Қувадаги ал-Фарғонийнинг зиёратгоҳи, Марғилон шаҳрида қад ростлаган ал-Марғиноний зиёратгоҳи, Фарғона шаҳридаги ал-Фарғоний майдони, Қўқон шаҳрида Шоирлар хиёбони каби бир қанча зиёратгоҳ масканларни эслашимиз кифоя. Ўтган йил Президентимиз Фарғонадан файз кетди деб, қаттиқ куюнганди. Бугун Фарғона вилоятини кезарканмиз, яна Фарғонага файз қайтганини кўриб, кўнглимиз осмони чарақлаб кетди.

ИСТИҚЛОЛ, МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

Ислом КАРИМОВ:

Қўли гул, кўнгли очиқ, ҳиммати баланд Фарғона халқи тадбиркор ва ташаббускорлиги, ўз ишига фидойилиги билан азал-азалдан бу муборак замин шуҳратини дунёга тараннум этиб келаётгани барчамизга яхши маълум.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Ҳудуди
6,8 минг кв. км.

Аҳолиси
2709,3 минг киши

Аҳолисининг зичлиги
1 кв. км. — 398 киши

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Фарғона вилояти сув манбалари

1. Каркидон сув омбори
2. Қўрғонтепа сув омбори
3. Кенгкўл сув омбори
4. Жанубий Фарғона канали
5. Исфайрамсой
6. Шоҳимардонсой
7. Сўхсой
8. Исфарасой
9. Катта Фарғона канали
10. Катта Андижон канали
11. Сирдарё

2000 ЙИЛ

Вилоятда 362659 тонна пахта сотилган ёки режа 100,2 фоизга бажарилган.

давлатга 272914 тонна дон сотилган ёки режа 102,5 фоизга бажарилган.

63758 тонна гўшт, 377481 тонна сут, 544 тонна жун ишлаб чиқарилган.

Вилоятда 6804 та савдо корхоналари бор.

ОЛТИАРИҚ МЎЪЖИЗАЛАРИ — ИСТИҚЛОЛ МЕВАЛАРИДИР

Нўъмонжон ОМОНОВ,
Олтиариқ тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати

1994 йил 6 октябрь Олтиариқ тумани тарихида, Олтиариқ халқи ҳаётида энг унутилмас кун бўлиб қолади. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қутлуғ қадамлари Олтиариқ заминини мунаввар этди, Аллоҳ шу куни Олтиариққа ўзининг ҳидоят нурини сочди.

Юртбошимизнинг муборак назарлари Олтиариққа тушгани ҳақ. У киши иккинчи чақириқ халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқларида Олтиариқ деҳқонлари, хусусан, шахсий томорқачилар меҳнатига юксак баҳо бериб, яхши тилак ва ниятлар билдиргандилар.

Иймон-эътиқодли, яхши ниятли инсоннинг қадами қутлуғ, назарлари ҳаётбахш бўлади, дейишади. Бунинг ойдин исботини яққол кўриб турибмиз. Президентимизнинг ташрифларидан, билдирган қутлуғ ниятларидан сўнг туманимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, саноат, қурилиш, ободонлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди.

Олтиариқ — меҳнатсевар деҳқонлар, ижодкорлар, тадбиркорлар юрти. Мақтаниш бўлмасин-у, кейинги икки-уч йил ичида туманимиз ғаллакорлари ва пахтакорлари давлатга дон ва пахта етказиб бериш шартнома режаларини вилоятда биринчи бўлиб бажаришга эришмоқдалар.

Йигирманчи асрнинг сўнгги йилида ғаллакорларимиз 6860 гектар майдонда бошоқли дон экинларини парваришлаб, мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга 21 минг 511 тонна сара дон етказиб берилди.

Пахтачиликда тажриба мактаби яратишган миришкор деҳқонларимиз 2000 йилда 9400 гектар майдондан 31190 тонна қимматли саноат хомашёсини давлат омборига етказиб бериб вилоятда якка пешқадам бўлдик. Ёш, иқтидорли мутахассис Абдуҳолиқ Холматов раислик қилаётган «Оқбўйра» ширкат хўжалигида пахтани қўш қаторлаб экиш ҳосилдорликни кўпайтиришнинг муҳим омили экани ўз тасдиғини топди. Хўжалик пахта етиштиришда тумандагина эмас, вилоятда ҳам энг юқори кўрсаткичга эришди.

Туманимизда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айни вақтда туманимизда 116 та фермер хўжалиги бор. Шундан 24 таси чорвачилик, 78 таси боғдорчилик, 14 таси эса деҳқончилик фермер хўжаликлари бўлиб, уларга 1200 гектардан ортиқ ер майдони ажратиб берилган.

Ўтган йили фермер хўжаликлари томонидан 178 тонна сут, 128 тонна гўшт, 39 минг дона тухум, 544 тонна мева, 301 тонна дон, 1740 тонна пахта етиштирилди. 31700 дан ортиқ деҳқон (шахсий томорқачилар) хўжаликларида 2000 йилда 70 минг тонна маҳсулот етиштирилди. Шундан 25 минг 500 тоннаси Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларига, ҳатто Европа мамлакатларига ҳам олиб бориб сотилди. Олтиариқликлар етиштирган шира бойлаган узумдан ҳиндистонликлар ҳам татиб кўришди. Чунки тадбиркорларимиз Олтиариқ шуҳратининг янги тимсоли — узумни Ҳиндистонга олиб бориб сотишмоқда.

Томорқачилар четга маҳсулот чиқариб сотиш орқали 2 миллиард сўм даромад олишди. Бу рақамлар ҳар қандай иймонли одамни хурсанд этиши тайин, чунки улар ҳалол топилган даромаддир.

Тадбиркор Солижон ҳожи Мирзажонов кўзга кўринарли ишлари билан Юртбошимизнинг назарига тушди. Бу каби тадбиркорлар туманимизда кўпчиликни ташкил қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида туманимиздаги саноат корхоналарининг бир меъёрда ишлаши учун зарур чоратадбирлар кўриляпти. 2000 йилда 2 миллиард 200 миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари, 425 миллион 212 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги 10 йил ичида туманда қурилиш, ободонлаштириш соҳасида кўзга кўринарли тадбирлар бажарилди. Туман тарихи музейи, 600 ўқувчига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашга йўналтирилган коллеж, 26-, 42-мактаблар учун янги биноолар, кўплаб маданий-маиший, савдо, умумий овқатланиш объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туман марказидаги «Мустақиллик», «Ўзбекистон» кўчаларини кенгайтириш, ободонлаштириш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Бу эса туман маркази қиёфасини буткул ўзгартириб юборади. У 10 йиллик тантаналарига қадар жозибали, шукуҳли масканга айланиши шубҳасиз.

Туманда қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг яхши ҳаёт кечиришини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш туман ҳокимлигининг асосий эътиборида турибди. Туман аҳолисининг 93,6 фоизи тоза ичимлик суви, 88,1 фоизи табиий газ билан таъминланган.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш, ёшларга пухта билим бериш бугунги куннинг энг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Вилоятда биринчилардан бўлиб энг замонавий асбоблар билан таъминланган шошилинч тиббий тез ёрдам маркази ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури талабларини бажариш, умумтаълим мактабларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш тумандаги ҳар бир раҳбарнинг биринчи галдаги бурчи, деб ҳисобланмоқда.

Республикамиз мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олишни ўз олдиларига мақсад қилиб олган Олтиариқ тумани меҳнаткашлари йигирма биринчи асрнинг биринчи йилини барча соҳаларда муваффақият билан якунлаш учун бутун куч-имкониятларини ишга соладилар.

Олтиариқликлар қўлга киритаётган муваффақиятлар, Президентимизнинг пойқадами етган шу заминда рўй бераётган мўъжизалар истиқлолнинг меваларидир.

«ҲАСАН-ҲУСАН» ОДИМИ

Асли марғилонлик бўлган Акрамжоннинг Водилга кўчиб келганига кўп бўлгани йўқ. Раҳматли отасининг насиҳатини қулоғига олиб кам бўлмаётир.

Тўқсон саккизинчи йили Акрамжон қўшалоқ ўғил кўрди: Ҳасан-Ҳусан. Яхши ният билан фарзандларининг номида фермер хўжалиги очди. Молхона қуриб, ем-хашак тўпладi. Тўғриси, ҳамма фермерларнинг иши юришиб кетавермайди. Бунга табиий ҳол деб қараш керак. Кимдир олади, бошқасининг иши эса юришмайди. Ҳаммаси ҳаракатга, омадга боғлиқ. Ҳисоб-китобни пухта қилиш керак. Фойда қаерда-ю, зиён қаёқда. Хуллас, узоқни кўзлаб иш тутмоқ даркор.

Бугунга келиб Акрамжон Зоҳидов раҳбар бўлган «Ҳасан-Ҳусан» фермер хўжалигидаги қорамоллар сони олтмишга яқин. Шунинг 20 боши сигир. Чорванинг ривожи парваришга, ем-хашакка боғлиқ. Фермер буни яхши англайди. Муҳими, у имкон қидиряпти. Келажакда ишлари янада юришиб кетишига ишонади. Ишонч ва умид янги режаларга йўл очаётир.

Ҳозир унинг қарамоғидаги қорамоллар 500-600 кило тош босгандан кейин гўштга топширилянти. Мақсади — гўшт ва сутни янада кўпайтириш.

Яна бир гап. Фермер ишини юргизиш билан айни пайтда маҳалладошларини ҳам унутгани йўқ. Саховат кўрсатаётир. Кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотганларга қўлидан келганича ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бундай мададдан аҳоли хурсанд.

Юртбошимиз тадбиркору фермерларни қўллаб, уларнинг ишлаши учун қулай шароит яратиб бермоқда. Зеро, қишлоқ хўжалигининг қатор тармоқлари фермерлар ҳаракатига боғлиқ.

Эндигина одимлаётган «Ҳасан-Ҳусан» фермер хўжалиги ҳам ҳадемай ривож топиб кетишига ишонамиз. Негаки, Акрамжон элнинг дуосини олиб катта йўлга чиқаётган юзлаб фермерлардан бири. Ниятимиз «Ҳасан-Ҳусан»нинг қозони гўштга, чўмичи мойга тўлсин.



АЛ-МАРҒИНОНИЙ ЗИЁРАТГОҲИ



ДЎСТЛАР УЧУН ДАРВОЗА ҲАМИША ОЧИҚ



ВЕЛОСИПЕДНИНГ ҲАМ ГАШТИ БОР...

ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ


Андижон
Наманган
Косонсой
Чортоқ
Поп
Учқўрғон
Чуст
Янгиқўрғон
Уйчи
Данғара
Ўзбек
Ёзёвон
Ўшма
Ҳайдарқон
Ҳўжабакирғон
Ҳамза
Ҳўжаобигарм
Ҳўжаобод
Ҳўсниобод
Ҳўсниёр
Ҳўсниқўрғон
Ҳўсниқўрғон
Ҳўсниқўрғон

ВАТАН

ҲАҚИДА БИТИЛГАН ҚЎШИҚ ИЖОДКОРИ

«Нақадар бахтсиздир, нақадар гўлдир, ягона қўшиғи бўлмаган халқлар», — деган эди шоир. Биз бахтлимиз. Қўшиғимиз бутун борлиқ узра таралади. Миллатнинг овози, садоси қулоқ-қулоқларимизга ўрнашиб, унга қўшилиб биз ҳам куйлаймиз.

Миллатнинг ўзлиги, дунё саҳнасидаги ўрни унинг мадҳиясида кўринади. Бу йил Ўзбекистон мадҳиясининг муаллифлари Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ва Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурҳоновларнинг юбилейи нишонланмоқда.

Машҳур композитор Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов 1916 йил баҳорда кўҳна Бухоро шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Ҳали мактабда ўқиб юрган кезлардаёқ мусиқий иқтидори баландлиги сезилди. Ўспирин 1928-1930 йилларда Самарқанд шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистон мусиқа ва хореография институтида таҳсил кўриб, драма театрида созандалик қилди. 1934 йилдан эса бўлажак бастакор П. Чайковский номли Москва консерваторияси қошидаги ўзбек опера студиясида, сўнгра эса композиторлик факультетида ўқиди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этди. Оғир жароҳат олгани сабабли Тошкентга қайтди. Ниҳоят, 1947 йилдан бошлаб Мутал Бурҳонов яна ўқишни давом эттирди, икки йилдан сўнг Москва консерваториясини муваффақиятли тамомлаб, она ватанига қайтиб келди. Санъаткор 1955-1960 йилларда Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси бошқаруви раиси лавозимида самарали хизмат қилди. Бастакорнинг ҳаёти маданиятимизнинг қарийб 70 йиллик тараққиёт йўли билан чамбарчас боғлиқдир. Атоқли композитор Мутал Бурҳонов бу тарихий давр мобайнида турли мавзуларда, хилма-хил жанрларда ноёб асарлар яратишга муваффақ бўлди. Уларнинг асосий қисми ўзига хос, бетакрор бадиий мусиқий асарлар, мумтоз, ўлмас санъат дурдоналари қаторидан ўрин олган.

Композитор ҳаёти давомида ўтмиш ва ҳозирги замон қиёфасини, жўшқинликни, энг асосийси, ўзбекнинг маданиятини улуғловчи асарлар яратди. Унинг асарларида миллатнинг овози янграб туради. Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир қаламига мансуб ғазал ва шеърлар гулдастасини қўшиқ ихлосмандларига тақдим этади. Ижодкорнинг «Бой ила хизматчи», «Абу Али ибн Сино», «Тарк этилган келин» каби фильмларга ёзган мусиқаси санъатимизнинг олтин фондидан жой олган.

Бундан ташқари хор ва симфоник оркестр учун ёзилган «Алишер Навоий» қасидаси, «Алишер Навоий» операси, қатағон йиллари қурбонларига бағишланган «Абадий хотира» реквиени ва бошқа кўплаб асарлари ўзбек миллий санъатининг дурдоналаридир.

Бугун ҳар биримиз устоз санъаткорнинг ёрқин ижодини, нафис ва жозибадор, халқчил ва ҳаққоний, гўзаллик ва нафосат билан суғорилган асарларини эъзозлаймиз, қадрлаймиз. Англаймиз, шууримизга сингдирамиз.

Композитор Мутал Бурҳонов ҳали-ҳамон изланишда. Ўзбек санъати довруғини олам аҳлига тараннум этишда хизмат қилмоқда. Миллатимиз санъатини бойитмоқда. Бугунги кун композиторлари учун ўрнак бўладиган ижод намуналарини яратди ва яратмоқда. Бу ютуқ, бу шараф. Ватан учун қилинган хизмат. Атоқли бастакоримизнинг ўзбек маданияти ва санъати ривожига қўшган улуши давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Давлат мукофотлари совриндори, қатор орден ва медаллар билан мукофотланган.

Мутал Бурҳонов мустақил Ўзбекистон мусиқа маданияти равнақига қўшган улкан ҳиссаси учун 1999 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

... Эшитаяпсизми, бу Ватан ҳақида битилган қўшиқ. Сиз уни севасиз, унинг учун жон фидо қиласиз. Бугун ва эртанинг уйғоқ олами бўлган мадҳиямиз ижодкорларининг умри ҳам ўз сўзлари ва мусиқалари сингари абадий бўлсин.

■ **Турсун АЛИ,**
Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

ҚУТЛОВ

АНЖУМАН

ЎТМИШНИНГ УЙҒОҚ КЎЗИ

Самарқанд давлат университети тарих факультети ва Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти олимлари ўзаро ҳамкорликда «Зарафшон воҳаси ва унинг тарихда тутган ўрни» мавзусида республика илмий-назарий анжуманини жорий йилнинг 18-19 май кунларида ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Зарафшон воҳаси минглаб йиллардан буён энг машҳур тарихчи сайёҳлар, ўнлаб элларни қилич билан тиз чўктирган фотиҳлар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Зеро, Олтин водий фақат қадим замонлардан буён фойдаланаётган олтин конлари эмас, балки Зарафшон дарёси сувининг шарофати билан бу ерларда гуркираб ўсаётган боғу роғлари, кўркам шаҳару қишлоқлари, гавжум бозорлари, ширин-шакар анжирлари, шафтолию қовунлари билан ҳам машҳур эди.

Азалдан Ғарб ва Шарқ ўртасида «кўприк» сифатида хизмат қилган водий қадимий бой тарихга эга.

Саъй-ҳаракатлар ва илмий изланишлар туфайли Ўзбекистоннинг марказий сарҳади бўлган Зарафшон воҳаси тарихи мавзуси бўйича ашёвий далиллар, ҳужжат ва материалларни излаш, топиш, ўрганиш ва уларни кенг тадқиқотчилар мулкига айлантириш мақсадида республика илмий-назарий конференциясининг икки қисмдан иборат, 18 босма табоқ ҳажмли материаллари ҳам чоп этилди.

Бу мавзуни мукаммал ўрганиш учун инсониятнинг кейинги уч минг йиллик тарихига назар ташланса, жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири авваллари Турон, Мовароуннаҳр ва Туркистон деб юритилган, Ўзбекистон диёримизда Зарафшон воҳасининг тарихи инсоният цивилизациясида ўзининг муносиб ўрнига эга эканлиги яққол намоён бўлади. Худди ана шу жиҳатдан конференция ишини тўрт йўналишдаги шўъба йиғилишларида олиб бориш назарда тутилган.

*Бу шўъбалар қуйидагилардан иборат: **1. Ўзбекистон цивилизациясининг шаклланишида Зарафшон воҳасининг ўрни. 2. Самарқандннинг Буюк ипак йўлидаги ва жаҳон тарихидаги ўрни. 3. Зарафшон воҳаси ўрта асрлар ва мустабид тузум йилларида. 4. Ўзбекистон мустақиллик йилларида.***

Кўриб турибсизки, қадимги, ўрта асрлар ва янги замон тарихини яна бир бор синчиклаб ўрганиб чиқиш, шунингдек, уларни тарихий асарлар ва ҳужжатлар асосида қайта тадқиқ қилишга тўғри келди. Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини ўрганиш ва республикамиз ҳудудининг Зарафшон водийси тарихини янгидан ёритишдан кўзланган мақсад бутун тарихимизни илмий-объектив ўрганиб тўғри ёритишдан иборат. Ватанимиз тарихини унинг тарихий-жўғрофий бирликларида ўрганиш келгусида ҳам давом эттирилишига умид билан қарар эканмиз, ишончимиз комилки бу йўл билан тарих фанининг тафаккур маҳсули сифатида миллатимизнинг мураббийсига айлантирилиши шак-шубҳасиздир. Зеро, ушбу илмий-назарий конференцияда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридан ҳамда хорижий давлатлардан ҳам олимлар ўз маърузалари билан қатнашадилар.

■ **Шокир ҒАФФОРОВ,**
тарих фанлари номзоди, доцент

БОСҚИНЧИ «ЧЕМПИОН»ЛАР

ҲАҚИҚИЙ ЧЕМПИОННИНГ УМРИГА ЗОМИН БЎЛИШДИ

... Янгиариқ туманининг «Остона» хўжалигида Сотимбой Иброҳимов отлиғ бир табаррук қария умргузаронлик қиларди. Аёли вафот этган, фарзандларини уйли-жойли қилган, ёлғиз ўзи яшарди. Муқаддас ҳаж зиёратига бориб келган, етмишга кирган бўлса-да ҳали бақувват, ҳар куни эрталаб ўн беш километрлик масофага югуришини канда қилмасди. «Юз ёшга кираман!» — деб орзу қиларди у.

Бутун воҳада Сотим полвон номи билан яхши таниш Сотимбой ота айримлар ўйлаганчалик бой-бадавлат киши эмасди. Унинг бойлиги медаллари эди. У ўз даврида ўн икки марта кураш бўйича чемпион бўлганди.

Энди бошқа бир кимсаларни ҳам таништириб ўтамиз: Рустам Рўзимбетов — ўттиз тўрт ёшда, муқаддам ўғирлик, талончилик учун уч марта озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан, ҳеч қаерда ишламайди. Баҳодир Саидов — йигирма етти ёшда, муқаддам ўғирлик қилгани учун икки марта озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан, ҳеч қаерда ишламаган. Қурбонбой Холиқов — ўттиз ёшда, муқаддам икки марта судланган, ҳеч қаерда ишламаган, Қурбонбой Ямутов — ўттиз ёшда, муқаддам икки марта озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан, ҳеч қаерда ишламаган. Кўриниб турибдики, бу кимсалар ҳам ўзларича «таниқли» — жиноят оламининг «чемпион»лари. 1999 йилнинг ёзида ягона мақсад уларни бирлаштиради. Бу гал улар ўз сафларига янги аъзоларни ҳам жалб қиладилар. «Чемпион»лар сафига «ҳаваскорлар» — Шермат Саидов, Баҳодир Вафоев, Ботир Вафоев ва Олег Ивлевлар «ҳунар ўрганиш» учун «қўнгилли» бўлиб қўшилди.

Шу тахлит Р. Рўзимбетов бошлиқ уюшган жиноий гуруҳ тузилади ва фаолиятини бошлайди. Гуруҳга бу борада энг кўп «тажриба»га эга Рўзимбетовнинг «шеф» бўлиши беҳуда эмас.

... Қора кўланкалар боғ ҳовли деворидан ошиб ўтганларида барча ширин уйқуда эди. Шу жумладан Сотим полвон ҳам. Ёз бўлганлигидан у айвончада ётганди. Одатда кексаларнинг уйқуси сергак бўлади. Сотим полвон ҳовлига кимлардир келганини сезиб, уйқудан уйғонади ва ётган ерида «Кимсизлар, нима қилиб юрибсизлар?» деб сўрайди. Кўланкалар жавоб бермагач, кўнгли ниманидир сезиб, ўрнидан туришга интилади. Аммо мол-мулк хаёлини олган кимсалар уни ўрнидан туришга қўйишмай, қўлларидаги темир таёқ, қувур ва арматура билан ура бошлайдилар. Бошидан оғир жароҳат олган полвон ҳолсизланади. Агар кураш майдонида ёки тенг олишувда рўпара келганда-ку Сотим полвон бундай «чемпион»ларнинг ўн-ўн беш нафарига бас келарди. Аммо...

Босқинчилар уни темир қуроллари билан уриб, овози чиқмаслиги учун ичкарига судраб киритишади ва қўл-оёғини маҳкам боғлашади. Шу ҳолатда ундан бор мол-мулкни топиб беришни талаб қилишади. Сотим полвон бошидан оғир жароҳат олган бўлса-да ҳушини йўқотмаганди, шу боисдан у тепасида кўзлари ёниб турган босқинчиларнинг пуллари, олтинлари қайдалиги ҳақидаги сўровларига ҳеч нимаси йўқлигини айта олади.

Ёвуз кимсаларнинг кўзлари қонга тўлганди. Улар бечора жабрдийдадан ижобий жавоб ололмагач, уни ўта шафқатсизлик билан уриб, қийнаб ўлдиришади. Сўнгра хоналарни, ертўлани тинтишга тушадилар. «Хушхабар»да айтилган беҳисоб мол-дунё топилмайди. Шунча овора бўлишгани, бунинг устига одам ўлдиришгани уларнинг аламини қўзғайди ва қўлга илинган ярокли нарса борки, тўплашга тушадилар. Шу тахлит 1992 йилда чиқарилган юз минг сўмлик давлат ички ютуқ заёмларини, ўн тўрт дона туркман ва афғон гиламларини (бу гиламларни Сотим полвон давраларда кураш тушиб, соврин сифатида олганди), бир дона мўйна телпакни, «Электроника» русумли соатни, 35 килограмм асални идиши билан ҳамда полвоннинг ов милтиғини олишади. Бу қимматбаҳо буюмларнинг нархи салкам етти юз минг сўмга борарди.

Қилни қирқ ёрадиган прокуратура, жиноят қидирув бўлими ходимларининг тезкор ва пухта иш олиб боришгани туфайли бутун воҳага ваҳима солган мудҳиш қотиллик ва босқинчилик жиноятлари фош қилинди. Жиноятчилар ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Вилоят суди босқинчи-қотилларнинг йўлбошчилари Р. Рўзимбетов, Б. Саидов, Қ.Ҳолиқов ва Қ. Ямутовларга қилмишларига яраша жазо берди — улар ўлим жазосига ҳукм қилиндилар. Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳукмни ўзгаришсиз қолдирди. Уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинди.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Бу — исботланган ҳаёт ҳақиқати. Қонунни бузган ҳар бир кимса бир куни, албатта, суд курсисига ўтириши шубҳасиз.

■ **Султонмурод ХОДЖАМУРАТОВ,**
Хоразм вилоят жиноят ишлари бўйича судининг раиси

КОРА ҚИЛМИШ

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан шу йил устоз журналист, иқтидорли публицист, моҳир ношир Ислом Шоғуломовнинг «Шохдан тушган уста» номли китоби чоп этилди. Китоб асосан ҳажвиялар, ҳангомалар, интермедиялардан ташкил топган. Ушбу

КУЛГИ ҲАРОРАТИ

йўналишларга эса ҳаётийлик ва воқелик сингиб кетганки, ёзувчи бугунги турмуш тарзимизда учраган ҳодисаларга бефарқ эмаслиги, шу билан бирга уларга бироз кулги ва ҳарорат бахшида этиб ёзганлигини ўқиб англаймиз.

Аслида ҳаётнинг ўзи ёзувчи. Ёзувчининг устози ҳаёт. Унинг бадиийлик ва мазмун-моҳиятини англаш эса иқтидор даражасига боғлиқ. Ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларини, паст-баландини кўрган муаллиф, турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўзи пишган ижодкорнинг ушбу китобида дўстликка самимият, биродарлик ришталарини қалб билан боғлаш, қолаверса, инсонийлик фазилатларини улуғлаш бош ғояни ташкил этади.

Умр ўткинчи. Лаҳзалар киприк қоққунча... Бироқ шу лаҳзаларда умримиз карвони ўтаётганлигини, ўз ишимизни виждонан бажариб халққа, ватанга нафимиз тегиши учун вақт синовларига дош бериб ҳаётимиз китобини мазмунли бўлиши учун фидойилик қилишимиз лозимлигини муаллифнинг ҳар бир сатридан сезиб олиш қийин эмас.

Китоб ҳамкасбларимиз, уларнинг ҳаёти ҳақида ажойиб маълумотлар беради.

■ **Зокир АНОРБОЕВ**

СКАНВОРД



Тузувчи: Шуҳрат МИРАҲМЕДОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛИКЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

2000-2001 ўқув йилида бакалавриат тизимини битирувчиларни йўлланма асосида иш жойларига таксим қилишга киришмоқда.

Шу муносабат билан битирувчи бакалаврга уч томонлама шартнома асосида уларнинг хоҳиши бўйича келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида Сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингизни жорий йилнинг 25 майига қадар беришингизни сўраймиз. 2000-2001 ўқув йилида қуйидаги жадвалларда кўрсатилган мутахассислик ва йўналишлар бўйича институтни битираётган юқори малакали бакалавр ҳақидаги маълумотларни Сизнинг эътиборингизга тақдим қиламиз.

БАКАЛАВРИАТ ТИЗИМИ

		МУТАХАССИСЛИК НОМИ								
	Ёш мутахассисларнинг келиб чиқиш жойлари	менежмент	маркетинг	молия	иқтисодиёт	Иқтисодиётда ахборотлар тизими	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси	Технологик машина ва жиҳозлар	Транспорт воситаларидан фойдаланиш	ЖАМИ
1	Тошкент шаҳри	1			1					2
2	Тошкент вилояти	1			1					2
3	Андижон шаҳри	7	4	42	27	5	13	2	12	111
4	Андижон вилояти	16	29	49	53	13	28	14	15	217
5	Наманган вилояти	1	2	3	15	3	1	2	1	28
6	Фарғона вилояти	1		3	7		1			12
7	Қашқадарё вилояти			1						1
8	Хоразм вилояти	1								1
9	Сирдарё вилояти				1					1
	ЖАМИ:	28	35	98	105	21	43	18	28	376

2001-2002 ўқув йилига юқорида кўрсатилган мутахассислик йўналишлари бўйича бакалавриат тизимига қабул қилинади.
Манзилимиз: Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 56-уй.

Телефон: (8-3742) 24-72-45 (Қабулхона), 24-72-45 (212) (маркетинг хизматлари бўлими)

«Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концернига ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри бош бошқармаси томонидан берилган № 2423976524 рақамли ер кадастри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси раҳбарияти ва жамоаси бўлим мудири А. Аҳроровга падари бузруквори
Бемамат СЕТМЕТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси раҳбарияти ва жамоаси бўлим мудири А. В. Лига отаси
Николай Дмитриевич КИМнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA